**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**«Кварц» АЖ**
**Харид комиссия раиси**
**__________ Д.Ш. Умаров**

**«_ _» _______2022 йил**

**“Кварц” АЖ учун “Рухсат этилган чегаравий оқавалар (РЭЧО-ПДС)”га меъёрий лойиха хулосасини тайёрлаб бериш танлови буйича.**

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Буюртмачи: - «Кварц» АЖ**
**Бажарувчи: Нишанов И., Эргашев С.**

**Қувасой ш. 2022й**

## МУНДАРИЖА


I. Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

II. Танловнинг техник қисми

III. Танловнинг нарҳ қисми

IV. Шартнома лойихаси

# I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА
## (кейинги ўринда йўриқнома)

| | | | |
|---|---|---|---|
| **1** | **Умумий қоидалар** | 1.1 | Мазкур танлов хужжати Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига *(*ЎРҚ-684-сон 22.04.2021й*)* мувофиқ ишлаб чиқилди. *(Настоящая конкурсная документация разработана в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О государственном закупке» (22.04.2021г. №-ЗРУ–684).* |
| | **ТАНЛОВ МАВЗУСИ**: | 1.2 | "Кварц" АЖ учун "Рухсат этилган чегаравий оқавалар (РЭЧО-ПДС)"га меъёрий лойиха хулосасини тайёрлаб бериш буйича корпоратив хариди. |
| | **Танловнинг юқори нархи** | 1.3 | ***Танловнинг юқори нархи* - 83 935 000,00 *сўм* (Саксон уч миллион тўққиз юз ўттиз беш минг сўм,00).** <br> **Нархлар ҚҚС билан**. Танлов нарҳидан юқори миқдорни ташкил этувчи тижорат таклифлари кўриб чиқилмайди. |
| | **Техник топшириқ** | 1.4 | Электрон холда техник қисм берилган |
| | | 1.5 | Мажлисни ўтказиш шакли – электрон <br> *(Форма заседаний закупочной комиссии – электронная.)* |
| **2** | **Танлов ташкилотчиси** | 2.1 | **Танлов буюртмачиси** – «Кварц» АЖ. *(**Заказчик** – АО «Кварц»)* <br> **«Манзили»:** ***(адрес Заказчика)*** <br> Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Юридик манзили: 150900, Фарғона вилояти, Қувасой ш. Мустақиллик кўчаси, 2 А -уй. <br> Ҳ/рақами: 20210 000 400 214 148 001 <br> АТБ "Асака" банк Фаргона вил. филиали, банк коди: 00539 СТИР: 200 124 765, ОКОНХ: 16513 ОКЭД: 23130,тел:372-44-14,44-26. |
| | | 2.2 | Харид қилиш тартиб – таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун жавобгар шахс – «Кварц» АЖда харидларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш ишчи гуруҳи. <br> *(Ответственность за организацию и проведение конкурса несет рабочая группа по подготовке и проведению закупочных процедур АО «Кварц».)* |
| | | 2.3 | Шартнома тузувчи– АО «Кварц» <br> *(Договородержатель «Кварц» АЖ).* |
| | | 2.4 | Танлов – «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибда тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади. <br> *(Конкурс проводится закупочной комиссией, созданной Заказчиком в установленном законодательством порядке.)* |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3 | **Танлов иштирокчиси** | 3.1 | Танловда иштирок этиш бўйича шартларни бажарган ва тегишли товарлар (ишлар ва хизматлар)ни етказиб бериш тажрибасига эга бўлган давлат ва хусусий корхоналар танловда иштирок этишлари мумкин.<br>*(В конкурсе могут принять участие государственные и частные предприятия, выполнившие предъявляемые условия для участия в них, имеющие опыт поставки соответствующих услуг, закупаемых на конкурсной основе.)* |
| 4 | **Танловда иштирок этиш хақида хабар бериш ва танлов таклифи кафолатини таъминлаш тартиби** | 4.1 | Танловда иштирок этиш учун иштирокчи қуйидагиларга мажбур:<br>**а)** танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлштирилган танлов хужжатларининг электрон нусхасини олиши (юклаб олиши);<br>**б)** ушбу йўриқноманинг талабларига мувофиқ малака хужжатлари ва танлов таклифини тақдим этиши керак;<br>**в)** ўз таклифини, унинг амал қилиш муддати давомида кафолатини таъминлаш бўйича кафолат хати бериши керак.<br>*(Для участия в конкурсе, участник конкурса должен:*<br>***а)*** *получить (скачать) электронную версию конкурсной документации, размещенной на специальном информационном портале для ознакомления с условиями конкурса;*<br>***б)*** *подать квалификационные документы и конкурсное предложение в соответствии с требованиями настоящей инструкции;*<br>***в)*** *представить гарантию обеспечения своего конкурсного предложения в период его действия в виде гарантийного письма.)* |
| 5 | **Иштирокчи-ларнинг малакавий танловини амалга ошириш** | 5.1<br><br>5.2 | Малакавий танлов учун талаб қилинадиган хужжатлар рўйхати электрон танлов утказиш сайтидан олишингиз мумкин.<br>Иштирокчилар малакаси бўйича.<br>Махсус лицензияга эга бўлиши керак<br>Танловга қуйидаги ташкилотлар қатнашиши мумкин эмас:<br>- малакавий танловга зарур хужжатлар тўпламини тақдим этмаса;<br>*(Ознакомиться с перечнем документов, необходимых для участия в квалификационном конкурсе, можно на сайте электронного конкурса. Должен иметь специальную лицензию. При квалификационном отборе участников к участию в конкурсе не допускаются организации:*<br>*-не предоставившие срок пакет необходимых документов для квалификационного отбора;)*<br>- қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлганда;<br>*(-находящиеся на стадии реорганизации, ликвидации или банкротства;)*<br>-буюртмачи билан суд ёки хакамлик суди холатида бўлганда; - |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | *(-находящиеся в состоянии судебного или арбитражного разбирательства с «Заказчиком»;)*<br>-ноинсоф етказиб берувчи (бажарувчи, хизмат кўрсатувчи)лар ягона реестрига киритилганлар;<br>*(-находящиеся в Едином реестре недобросовестных исполнителей;)*<br>-солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликларга эга бўлса;<br>-илгари тузилган шартномалар бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаган бўлса;<br>-зарур ёки шунга ўхшаш махсулотларни етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш) бўйича тажрибага эга бўлмаса (1 бажарилган шартнома ва ундан кўп);<br>*(-имеющие просроченные задолженности по уплате налогов и других обязательных платежей;*<br>*- не надлежаще исполнившие принятые обязательства по ранее заключенным контрактам;*<br>*- не имеющие опыта поставки требуемого или аналогичного оборудования (1 исполненный контракт и более);)* |
| | | 5.3 | Агар иштирокчи бирон-бир харакат, қарор қабул қилишга таъсир қилиш учун бевосита ёки билвосита Буюртмачининг бирон-бир мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклда иш ёки қимматбаҳо буюм ёки хизматга ҳақ тўлашни таклиф қилса, буюртмачи иштирокчини танловда қатнашишдан четлатади;<br>*(Заказчик отстраняет участника от участия в закупочных процедурах, если участник прямо или косвенно предлагает любому должностному лицу или работнику заказчика вознаграждение в любой форме, предложение о найме на работу, либо любую ценную вещь или услугу с целью повлиять на совершение какого-либо действия, принятие решения или применение какой-либо конкурсной процедуры заказчика в процессе государственных закупок)* |
| 6 | **Танловнинг тили** | 6.1 | Танлов таклифи ва унга боғлиқ барча хужжатлар ва иштирокчи билан буюртмачи ўртасидаги ёзишмалар давлат тили бўлган ўзбек тилида тақдим этилади.<br>Агар танлов таклифлари ва бошқа барча ҳужжатларни тақдим этишда биттадан кўп тилдан фойдаланилган бўлса ва таклифлар хамда ҳужжатлар матнларида номувофиқликлар мавжуд бўлса, рус тилидан фойдаланилади.<br>*(Конкурсное предложение и вся связанная с ним документация и переписка между участником и заказчиком, представляются на государственном узбекском языке. В случае наличия разночтений в тексте конкурсного предложения, когда используется более чем один язык, русский язык будет превалирующим.)* |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 7 | **Танлов таклифлари ва уни расмийлаштириш тартиби** | 7.1 | Иштирокчи танлов таклифлари электрон шаклда етказилади<br>*(Участник должен представить конкурсное предложение через электорнный портал биржи).* |
| | | 7.2 | Танлов иштирокчиси: *(Участник конкурса:)*<br>- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.<br>*(-несет ответственность за подлинность и достоверность предоставляемых информации и документов;)*<br>- танлов иштирокчиси битта лотга фақат битта таклиф беришга ҳақли;<br>*(- вправе подать только одно предложение;)*<br>- таклифларни бериш муддати тугагунга қадар берилган таклифини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритишга хақли.<br>*(-вправе отозвать или внести изменения в поданное предложение до срока окончания подачи таких предложений.)*<br><br>-буюртмачисини кўрсатган холда шунга ўхшаш бажарилган ишлар реестри<br>*(- реестр выполненных аналогичных работ с указанием заказчика)* |
| | | 7.3 | Иштирокчининг техник хужжатларида рўйхати илова қилинган холда тақдим этилади.<br>*(Технические документы участника конкурса представляются с приложенным списком.)* |
| | | 7.4 | Танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ аъзоси Хамдамова Д. жавобгар шахс хисобланади.<br>*(Ответственность за организацию и проведение конкурса несет ответственное лицо член рабочей группы по подготовке и проведению закупочных процедур Хамдамова Д)* |
| | | 7.5 | Танлов таклифининг амал қилиш муддати танлов таклифи тақдим этилгандан кейин камида 60 кунни ташкил этиши керак.<br>*(Срок действия конкурсного предложения участников должен составлять не менее 60 календарных дней после окончания представления конкурсных предложений.)* |
| 8 | **Таклифларни кўриб чиқиш** | 8.1. | Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кундан кўп бўлиши мумкин эмас.<br>*(Срок рассмотрения и оценки предложений участников конкурса не должен превышать 10 (десяти) дней с момента окончания подачи конкурсных предложений.)* |
| | | 8.2. | Танлов таклифлари танлов хужжатларида белгиланган мезонлар асосида баҳоланади. Таклифлар тенг нарҳларда бўлган тақдирда, тақдим этилган таклифларнинг қўшимча |

техник, ташкилий ва тижорат афзалликлари, шунингдек иштирокчининг иқтисодий холати хисобга олинади.

*((Оценка конкурсных предложения оцениваются на основе критериев, указанных в конкурсных документации. При равных ценах учитываются дополнительные технические, организационные и коммерческие преимущества представленных предложений, а также экономическое положение участника конкурса.)*

Агар танлов иштирокчилари таклифларни турли хил валюталарда тақдим этса, тахлил пайтида тақдим этилган таклифлар миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ягона валютада хисоб-китоб қилинади.

Танлов таклифларини баҳолаш жараёнида танлов комиссиясининг ишчи органи иштирокчиларга таклифда кўрсатилган ҳар қандай маълумотни тасдиқлаш ёки аниқлаштириш тўғрисида ёзма сўров юбориш ҳуқуқига эга. Бундай сўровларни олгандан сўнг, иштирокчилар ишчи органга ёзма равишда жавоб беришлари ва сўралган маълумотларни тақдим этишлари керак. Бундай ёзишмалар жараёнида

8.3. таклифнинг техник қисмига бирон бир ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди.

*(Если участники конкурса представят предложения в разных валютах, суммы предложений при анализе будут пересчитаны в единой валюте по курсу ЦБ РУ . В процессе оценки конкурсных предложений рабочий орган конкурсной комиссии вправе направлять участникам письменные запросы по подтверждению или разъяснению той или иной информации, указанной в конкурсном предложении. При получении таких запросов участникам необходимо письменно ответить рабочему органу и предоставить запрашиваемую информацию. В ходе таких переписок не допускается внесение каких-либо изменений в техническую часть предложения.)*

Танлов қатнашчиси томонидан тақдим этилган хужжатлардаги маълумотлар ишончли бўлмаса, харид комиссияси бундай иштирокчини танловда қанашишдан четлаштиришга хақли.

8.4. *(В случае установления недостоверности информации, содержащейся в документах, представленных участником конкурса, закупочная комиссия вправе отстранить такого участника от участия в конкурсе.)*

Танлов ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини

8.5. таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади.

*(Победителем признается участник конкурса, предложивший лучшие условия исполнения договора на основе критериев, указанных в конкурсной документации.)*

8.6. Агар арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлса, харид комиссияси танлов таклифини рад этишга ҳақли.

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | *(При наличии арифметических или иных ошибок закупочная комиссия вправе отклонить конкурсное предложение.)* |
| | | 8.7. | Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари баённомада қайд этилади ва танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади. Баённомадан кўчирма у имзоланган кундан эътиборан 3 (уч) иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.<br>*(Протокол рассмотрения и оценки предложений подписывается всеми членами закупочной комиссии, итоги конкурса публикуются на специальном информационном портале в течение 3 (трех) рабочих дней со дня подписания протокола.)* |
| | | 8.8. | Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг буюртмачига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан 3 (уч) иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.<br>*(Любой участник конкурса вправе направить заказчику запрос о даче разъяснений по результатам конкурса. В течение трех рабочих дней с момента (даты) поступления такого запроса заказчик обязан представить участнику конкурса соответствующие разъяснения.)* |
| **9** | **Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликни таъминлаш** | 9.1 | Танлов ташкилотчилари ва иштирокчилари танлов шартларини лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.<br>*(Организаторы и участники конкурса несут предусмотренную законодательством Республики Узбекистан ответственность за ненадлежащее исполнение условий конкурса.)* |
| **10** | **Қўшимча шартлар** | 10.1 | Буюртмачи танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли.<br>*(Заказчик вправе принять решение о внесении изменений в конкурсную документацию не позднее, чем за три дня до даты окончания срока подачи предложений на участие в конкурсе.)* |
| | | 10.2 | Танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш давомида товарни (ишни, хизматни) ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.<br>*(Изменение услуги не допускается. При этом срок окончания подачи предложений в этом конкурсе должен быть* |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | *продлен не менее чем на десять дней с момента (даты) внесения изменений в конкурсную документацию. Одновременно с этим вносятся изменения в объявление о проведении конкурса, если была изменена информация, указанная в объявлении.)* |
| | | 10.3 | Танлов иштирокчиси танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугашидан олдин танлов комиссиясига тақдим этган таклифини қуйидаги тартибда ўзгартириш ҳуқуқига эга:<br>*(Участник конкурса вправе внести изменения в конкурсное предложение, представленное конкурсной комиссии до истечения последнего срока приема конкурсных предложений, в следующем порядке:)*<br>Ўзгартирилган таклифларни устига «ўзгартириш» ёзуви билан харид комисссиясига тақдим этади;<br>*(Участник конкурса представляет закупочной комиссии с измененным предложением с надписью «изменение» до даты окончания конкурса;)* |
| | | 10.4 | Танлов комиссияси томонидан қуйидаги холларда танловни ўтказилмаган деб топилади:<br>*(Конкурс может быть объявлен закупочной комиссией не состоявшимися:)*<br>- танловда битта иштирокчи қанашган ёки хеч ким қатнашмаган бўлса;<br>*(- если в конкурсе принял участие один участник или никто не принял участие;)*<br>- агар таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича харид комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф танлов хужжатларининг талабларига мос келса;<br>*(- если по результатам рассмотрения предложений закупочная комиссия отклонила все предложения или только одно предложение соответствует требованиям конкурсной документации;)* |
| | | 10.5 | Буюртмачи ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда танловни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи порталда мазкур қарорнинг асослантирилган сабабларини эълон қилади.<br>*(Заказчик имеет право отменить конкурс в любое время до акцепта, выигравшего предложения. Заказчик в случае отмены конкурса публикует обоснованные причины данного решения на специальном информационном портале.)* |
| | | 11.1 | Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида кўрсатилган шартлар асосида тузилади.<br>*(Договор с победителем конкурса заключается на условиях, указанных в конкурсной документации.)* |
| 11 | **Танлов натижалари бўйича** | 11.2 | Танлов ғолиби билан шартномани имзолаш ва/ёки кафолатни тақдим этмаслик шартнома тузишдан бош тортиш сифатида |

| | |
|---|---|
| **шартнома тузиш тартиби** | қаралиши мумкин. Бундай холда захира ижрочиси танлов ғолиби таклиф қилган нархда шартнома тузиши мумкин.<br>*(Несвоевременное подписание договора с победителем и/или непредставление гарантии может расцениваться как отказ от заключения договора. В этом случае будет рассматриваться приемлемое предложение следующего (резервного – занявшее второе место по итогу оценки) участника конкурса.)* |

**Танлов хужжатларни тайёрлаган ва бажарганлар:**

**Бош энергетик** — **Нишанов И.**

**Таъминот бўлими бошлиғи** — **Эргашев С.**

**Харид гурухининг масъул шахси** — **Хамдамова Д**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Харид комиссия раиси**
**________ Умаров Д. Ш.**
**«_____» _______ 2022 йил**

**Техник топширик**

“Кварц” АЖ 2022 йилда муддати тугаётган “Рухсат этилган чегаравий оқавалар” РЭЧО (ПДС) меъёрий лойиҳасини ишлаб чиқиш хизматлари юзасидан танловини эълон қилади.

| 1 | Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати | Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни |
|---|---|---|
| 2 | Буюртмачи | “Кварц” АЖ Қувасой шахар |
| 3 | Баҳолаш учун асос | Ўзбекистон Ркспубликаси Вазирлар Махкамасининг 07.09.2020 йилдаги 541-сонли қарорига асосан |
| 4 | Иш тури | Корхона фаолияти давомида хосил бўлган оқава сув ташламаларини очиқ релъеф ва сув хавзаларига ташланиши бўйича Рухсат этилган чегаравий ташламалар меъёрий хужжатини ишлаб чиқиш ҳамда ифлослантирувчи зарарли моддаларга экологик меъёр ўрнатиш. |
| 5 | Иш бажарилиш жойи | Фарғона вилояти, Қувасай шахри , Мустакиллик 2а |
| 6 | Иш хажмининг тавсифи | Асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:<br>1) Жамиятга тегишли 46.65 гектар худуд ер майдони билан танишиб чиқиш, ундаги мавжуд бино иншоотлар, асфалтланган йўл ва йўлаклар,бетонланган майдонлар, кўтарма кран майдони, баскетбол майдони, бетон ариқлар ва кўкаламзорлаштирилган майдонлар хақида маълумот тайёрлаш ва ҳосил бўлувчи оқаваларни умумий ҳисобини чиқариш<br>2) Жамиятнинг фаолият тури ҳамда тоифаси билан чуқур танишиш<br>3) Жамиятдаги мавжуд ичимлик ва ишлаб чиқариш эхтиёжлари учун ишлатиладиган сув ва оқава сувлар хақида маълумот тўплаш ва жамиятдаги барча ишлаб чиқариш ва бошка эхтиёжлари учун ишлатилаётган сувни (ишчилар сув истемоли,Ошхона, душхона, хожатхона, худудга сув сепиш, сугориш, бинони тозалаш, ёнгинга карши ховузни тулдириш, барча цехлар ишлатма ва айланма сув таминотини ташланмаси, енгил ва юк транспортларини совутиш ва ювиш)истемолчилар номи, улчов бирлиги, йиллик иш куни ва сувни йукотиш коефицентларини йиллик мейорини чикариш<br>4) Корхонада мавжуд тозалаш иншоотининг таркибий қисмини, ҳолатини ва ишлаш самарадорлигини ўрганиш.<br>5) Фойдаланишдан ҳосил бўлган оқавалар йиллик миқдорини аниқлаш ва РЭЧО (ПДС) меъёрини белгилаш<br>6) Ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган оқава сувларининг таркибий таҳлил қилиш<br>7) Оқаваларни лабаратория натижаларини ўрганиш ҳамда таҳлиллар ўтказиш.<br>8) РЭЧО (ПДС) меъёрий хужжатини талаб даражасида тайёрлаш ва Давлат экологик экспертизасига ижобий хулоса олиш учун тақдим қилиш.<br>9) Окавани кайта ишлаш тизимини хамда кимёвий тахлилидеги катионларни ва каттиклик мг-экв/л |

| | | |
|---|---|---|
| | | формула<br>тарзда курсатиш |
| 7 | Танловда ташкилотларга иштирок этишга рухсат берилади | Ушбу ишларни бажаришга тажрибаси ва малакаси бўлиши керак |
| 8 | Молиялаштириш манбаи | “Кварц” АЖ маблағлари хисобидан молиялаштирилади. |
| 9 | Тўлов тартиби | Шартнома имзолангандан сунг, шартнома баҳосининг 15 фоизи миқдорида олдиндан тўлов тўланади, - қолган 85 фоиз тўлов шартномада олинган мажбурият “Ижрочи” томонидан тўлиқ бажарилиб, далолатнома асосида “Буюртмачи” томонидан қабул қилиниб, ҳисоб-вароқ фактура тақдим этилган кундан бошлаб 15 (ўн беш) банк куни ичида амалга оширилади.<br>Хизматларни бажариш муддати шартномани умумий суммасининг 15% ўтказилгандан сўнг 30 иш куни. |
| 10 | Назорат қоидалари ва иш натижаларини топшириш тартиби | Иш рахбарлари:<br>- хизматларни тақдим этиш сифатини назорат қилиш;<br>- бажарилган ишларнинг сифатини тезкор назорат қилишни таъминлайди;<br>- ишнинг технологик интизомига риоя қилишни текшириш;<br>- иш хужжатларини ўз вақтида расмийлаштириш;<br>- барча турдаги ишларнинг ижро хужжатлари устидан назоратни таъминлаш;<br>- келишилган жадалда белгиланган муддатда хизматлар кўрсатишини таъминлаш;<br>- бажарилган ишларни қабул қилиш Буюртмачи томонидан белгилаган комиссия орқали амалга оширилади. |
| 11 | Тўлов | Миллий валюта “Сўм”да , пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. |
| 12 | Тил | Ўзбек тилида |
| 13 | 4-бандда тавсифланган хизматларнинг бошланғич нархи | -------------- (------------------) сўм, ҚҚС билан барча солиқларни ҳисобга олган холда. |
| 14 | Коррупцияга йўл қўймаслик учун ариза | Тақдим этилиши шарт. “Кварц” АЖ, манзил: 150900,Фарғона вилояти, Қувасай шахри , Мустакиллик 2а уй.<br>Телефон: -------------. Шартнома мустақил ташкилот танлаш тўғрисида (Акциядорларнинг умумий йиғилиши) қарор қабул сўнг 5 иш куни ичида тузилади. |
| 15 | Изох | “Кварц” АЖ, манзил: 150900,Фарғона вилояти, Қувасай шахри , Мустакиллик 2а уй.<br>Телефон: -------------. Шартнома мустақил ташкилот танлаш тўғрисида (Акциядорларнинг умумий йиғилиши) қарор қабул сўнг 5 иш куни ичида тузилади. |

**Техник топшириқ бош энергетик томонидан ишлаб чиқилди:** **Нишанов И.**